

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

А.Юсупов	
ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиков	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон токирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
ТИЛШУНОСЛИК	
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Сайдова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
ПЕДАГОГИКА	
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий мухит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
ИЛМИЙ АҲБОРОТ	
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

УДК: 026/027+347.78

КУТУБХОНА ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БИБЛИОТЕЧНОЙ СЛУЖБЫ

TOPICAL ISSUES OF COPYRIGHT IN THE ACTIVITIES OF THE LIBRARY SERVICE

Абдуумумин Юлдашов¹

¹Абдуумумин Юлдашов

– Тошкент давлат юридик университети,
интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доценти в.б.,
ю.ф.ф.д.

Аннотация

Мақолада кутубхона фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш муаммолари, қонунчиликдаги бу йўналишдаги нормалар ва уларнинг амалиётдаги ифодаси, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш бўйича тавсия ҳамда кўрсатмалар ҳақида сўз боради. Шунингдек, имконияти чекланган шахслар учун кутубхона фаолиятидан фойдаланиш шароитлари, китоблардан эркин фойдаланишига доир ҳалқаро ҳужжатларнинг мазмуни ҳақида баён этилган.

Annotation

In the article the problems of copyright in library activities, legislation in this area and their practical application, recommendations and guidelines for copyright protection. It also describes the conditions for the use of library activities for people with disabilities, the content of international documents on free access to books.

Таянч сўз ва иборалар: муаллифлик ҳуқуқи, кутубхона, техник восита, БИМТ, ҳуқуқий ҳимоя, эркин фойдаланиш, ахборот-кутубхона маркази.

Ключевые слова и выражения: авторское право, библиотека, технические средства, ВОИС, правовая защита, свободный доступ, информационно-библиотечный центр.

Key words and expressions: copyright, library, technology, WIPO, legal protection, free access, library information center.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари муҳофазасини (турли техник воситалар ёрдамида) таъминлаш билан бирга уларни самарали ҳимоя қилиш механизмларини йўлга қўйиш ва амалга ошириш ҳамда бу йўналишдаги амалиётни такомиллаштириш давр талабидир. Зеро, бугунги кунда инсоннинг ахборот ва маълумот олишга бўлган эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага чиқсан. Айниқса, телекоммуникация тармоқларининг кенг ривожланиши натижасида бу билан боғлиқ жараёнлар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқи объектларидан қонуний жиҳатдан фойдаланиши ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ушбу тармоқ бугунги кунда кўплаб давлатларнинг асосий даромад манбалари қаторига кириб

улгурган. Масалан, 2017 йилда муаллифлик ҳуқуқи барча йўналишларининг АҚШ ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси миқдорий кўрсаткичда 2,2 триллион АҚШ долларини ташкил этиб, АҚШ иқтисодиётининг 11,59 фоизини ташкил этди. 2014-2017 йилларда муаллифлик ҳуқуқининг асосий йўналишларидан даромад келиши 5,23 фоизни ташкил этди. Эътиборли жиҳати, ушбу даврда АҚШ иқтисодиёти ўсиши 2,21 фоизни ташкил этган. Бу рақамлар шуни англатадики, муаллифлик ҳуқуқига давлат томонидан тўғри йўналишни бериш ва уни иқтисодий муносабатларга тўғри татбиқ этиш катта иқтисодий самарадорликка етаклаши мумкин. Яна бир муҳим статистика: 2017 йилда АҚШда муаллифлик ҳуқуқининг барча соҳаларида банд бўлган аҳоли сони 5,7 млн кишини ташкил этган, бу, АҚШдаги барча

ТАРИХ

ишчи кучининг 7,87 фоизига тенг бўлиб, хусусий секторда эса бу кўрсаткич 9,28 фоизга тенгдир [1].

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) тадқиқотларига кўра, маданий ва ижодий соҳа ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни етарли даражада муҳофаза қилмасдан туриб, ундан иқтисодий даромад олишнинг имкони мавжуд эмас. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасида қўйидаги иккита муҳим масала мавжуд: миллий маданий меросни асрash ва ривожлантириш (1), маҳаллий ва халқaro бозорларни тижорат жиҳатидан эгаллашнинг воситаси бўлишлиги (2). Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги энг асосий халқaro ҳужжат – бу, Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси (1886 йил) ҳисобланади [2]. Мазкур конвенция қўйидаги 2 та тамоил асосида ишлайди.

Биринчидан, миллий режим, яъни ушбу конвенцияга аъзо бўлган давлат ҳар бир асар учун конвенцияга аъзо бўлган давлатлар учун бир хилдаги муҳофазани таъминлаш;

Иккинчидан, автоматик муҳофаза, яъни асар рўйхатдан ўtkaziliш ёки ўtkazilmasligidan қатъи назар муҳофаза қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва кутубхоналарда китоблардан фойдаланиш бўйича қулайлик (шароит) масаласи доимий муаммоли масалалардандир. Айниқса бу масала телекоммуникация тармоқларининг янада ривожланиши фонида жиддий тус олади. Шу сабабдан ҳам бугунги кунда кутубхона ходимлари олдида иккита муҳим масала турибди. Булардан бири муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш бўлса, иккинчиси эса китоблардан бепул ҳамда эркин асосда фойдаланишини таъминлашдир. Айниқса бу жараён “электрон кутубхона”ларнинг яратилиши билан янада долзарб аҳамият касб этди, деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўринда, биринчи галда, кутубхона фаолиятини юритувчи шахслар олдида ҳам юқоридаги каби 2 та муҳим масала туради.

Янги ахборот технологияларининг кўплиги, ахборотнинг юқори тезлиқда узатилиши ва унинг манбаларига осон кириш имконияти ижтимоий муносабатларда

кўплаб адабиёт ва санъат асарларининг “ижтимоий мулк” сифатида қабул қилинишига олиб келди, аслида эса уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга бўлиб, ҳар бир асарнинг муаллифи розилигисиз, ундан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас (такрорлаш, тарқатиш, импорт қилиш, ижарага бериш, эфирга узатиш ёки кабель орқали юбориш, таржима қилиш, ва ҳ.к.).

Кутубхоналар ҳар доим ўз фонdlарига кириш имкониятларини кенгайтиришга ва шу орқали ўкувчиларини кўпайтиришга интилишади. Муаллифлар эса ўз асарларидан нусха олингандик ёки такрорланганлик учун қўшимча гонорар олишдан манфаатдор бўлишади. Кутубхона бир томондан илм-фанни ривожлантириш нуқтаи назаридан жамият манфаатлари учун ҳаракат қилиши керак бўлса, иккинчи томондан эса ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш бўйича ўз вазифаларини бажариши керак.

Албатта, барча давлатларда кутубхона фойдаланувчиларига кутубхона фонидаги мавжуд барча ёзма ва электрон манбалардан Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Мазкур қонуннинг 26-моддасига кўра, ўкувчилар муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз кутубхона фонидаги китоблардан вақтинчалик фақатгина кутубхона ўкув залида фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, ушбу моддага мувофиқ, фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган асарларнинг нусхаларини ахборот-кутубхона муассасалари томонидан вақтинчалик фойдаланишга муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда беришга йўл қўйилади [3].

Мазкур даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исм-шарифини ва олинган манбани албатта кўрсатган тарзда:

- ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар ва идоравий архивлар томонидан — асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек, ўз фонdlаридан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган

бошқа ахборот-кутубхона муассасалари, архивларга ва идоравий архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар ва идоравий архивлар томонидан фуқароларнинг ўкув ва тадқиқот мақсадларидағи сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада репографик тақорглаш.

Кутубхона фондидағи хужжатлар, хусусан мақолалар, илмий-адабий ва бошқа турдаги асарлар, шунингдек электрон манбалардан нусха кўчириш бўйича рухсат бериш ваколати кутубхонада бўлиб, бунга фақат қонунчиликда белгиланган тартибда қўйидаги ҳолатларда рухсат берилади:

- ахборот ташувчи мосламалар (қаттиқ дисклар, флеш-портлар, CD-DVD дисклар в.б.)га фақатгина илмий-ўкув фаолият учун етарли бўлган микдорда, бироқ манбанинг 1/3 қисмидан кўп бўлмаган тарзда нусха кўчириш;

- юқоридаги ахборот ташувчи мосламаларга кутубхона фондидағи китоблардан фақатгина кутубхона библиографи ёки ўкув зали кутубхоначисининг компьютеридан нусха кўчириш;

- китоблардан тўлиқ тартибда нусха кўчириш фақатгина алоҳида ҳолларда, яъни муаллифнинг рухсати билангина йўл қўйилади.

Шу билан бирга, кутубхона фондидағи китоблардан қўйидаги ҳоллардагина эркин тарзда нусха кўчириш мумкин:

- муаллифлик ҳуқуқи обьекти бўлмаган асарлар;

- муаллифнинг мутлақ ҳуқуқлари тугаган асарлар;

- муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси билан кутубхона ўртасидаги келишувга кўра, фойдаланиш ҳуқуқи эркин тақдим этилган асарлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш керакки, кутубхона фаолиятининг тўғри тартибга солиниши бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи нормаларига риоя этиш билан боғлиқ ҳисобланади. Афсуски,

мамлакатимизнинг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонунида муаллифлик ҳуқуқига доир нормалар мавжуд эмас. Қонунда ахборот-кутубхона фонди ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қисмида ҳам муаллифлик ҳуқуқи нормаларига риоя этиш бўйича бирон-бир меъёр белгиланмаган [4].

Юқорида таъкидланганидек, китоблардан фойдаланишга имкониятнинг кенглиги илм-фанни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, ҳар бир инсон худди озиқ-овқат каби китобга ҳам муҳтоҷлик сезади. Буни, албатта, тўлдириш, инсоннинг мазкур ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ҳам ҳар бир давлатнинг вазифаси ҳисобланади. Айниқса, фан-технология жадаллик билан ривожланаётган бугунги кунда ўқувчиларнинг замонавий китоб ва маълумотларга бўлган талаблари ошиб бормоқда, бу, кўп жиҳатдан моддий имкониятга ҳам боғлиқ саналади.

Аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларга китоблардан фойдаланишга бўлган шароитларни яратиш муҳим саналади. Хусусан, 2018 йил 18 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 739-сонли қарори қабул қилинди. Албатта, бу каби масала ҳалқаро ҳамжамият томонидан ҳам кўриб чиқилган бўлиб, бевосита БМТнинг шафелигида 2013 йил 27 июнда “Кўзи ожиз, кўришда нуқсони бўлган ва босма ахборотни идрок этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини енгиллаштириш тўғрисидаги Маракаш шартномаси” қабул қилинди [5]. Ушбу шартнома – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида шакллантирилган инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тамоилларига асосланган, муаллифлик ҳуқуқи соҳасида инсон ҳуқуқларига аниқ-равшан қаратилган илк шартномадир. У китоблар ва бошқа босма асарлардаги босма маълумотларни идрок этиш имконияти чекланган шахсларнинг турли нашрлардан фойдаланиш доирасини кенгайтиришдаги муаммоларни ҳал этишда муаллифлик ҳуқуқи тизими муҳим аҳамият касб этишини

ТАРИХ

тасдиқлайди. Мазкур халқаро ҳужжат кўп жиҳатдан гуманитар руҳдаги ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозирда ҳам мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиш бўйича ишларни амалга ошироқда. Айни пайтда 70 дан ортиқ давлат, жумладан МДҲга аъзо мамлакатлардан Қирғизистон, Озарбайжон, Россия Федерацияси, Тоҷикистон ушбу шартнома иштирокчиси ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили бутун дунёда чоп этиладиган миллионлаб китобларнинг

1-7 фоизидангина 285 млн. кўзи ожиз ва кўришда нуқсони бўлган шахслар фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, ачинарлиси бундай шахсларнинг 90 фоизи даромад кўрсаткичи паст бўлган ривожланаётган мамлакатларда яшайдилар. Шу жиҳатдан ҳам бу каби мамлакатлар аҳолисининг китобларни сотиб олиш имконияти мавжуд эмас, бу жиҳат одатда “глобал китоб етишмовчилиги”, деб номланади.

Ушбу халқаро шартноманинг афзаллик жиҳатлари қўйидагиларда кўринади:

- босма ахборотни идрок этишда жисмоний имкониятлари чекланган шахслар дуч келаётган муаммолардан хабардорлик даражасини ошириш;

- таълимнинг оммабоплик миқёсини кенгайтириш. Имконияти чекланган шахсларнинг муқобил шаклдаги ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва кенгайтириш, таълим олишда уларнинг босма ахборотларни тўлиқроқ идрок этишига шароит яратиш;

Адабиётлар:

1. <https://ipa.org/files/uploads/2018/12/2018CpyrtRptFull.pdf>
2. <https://wipolex.wipo.int/ru/treaties/textdetails/12214>
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 21.08.2021 й., 03/21/709/0808-сон
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
5. <https://www.wipo.int/treaties/ru/ip/marrakesh/index.html>

- имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий интеграциялашувини ҳамда маданий ҳаётдаги иштирокини янада чукурлаштириш. Умумий билим ва ахборот манбааларидан тенг равишда фойдаланиш имконияти нафақат аҳолининг мазкур қатламини ўқитиш, балки бу қатламнинг ижтимоий интеграциялашви ва маданий ҳаётдаги иштироки учун ҳам жуда аҳамиятлиdir;

- камбағалликни камайтириш ва миллий иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиш. Шахснинг профессионал жиҳатдан ривожланиши кўп жиҳатдан унинг таълим даражасига боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, кутубхона фаолиятида муаллифлик ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш нафақат биз учун, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Амалиётда бу йўналишда бугунги кунда жуда кўплаб муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Фикримизча, биринчи навбатда кутубхонадаги асарларга нисбатан техник ҳимоя воситаларини таъминлаш муҳим саналади. Шунга кўра, нафақат кутубхона фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган Ўзбекистон ваколатли органлари, балки бошқа хорижий мамлакатлар “кутубхоначилари” олдида муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликни амалий жиҳатдан такомиллаштириш, хусусан, ахборот ресурслари ва китобларга нисбатан ҳукуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилигини такомиллаштириш вазифаси турибди.